**Рис.4. Система взаимодействия заинтересованных органов по совершенствованию торговых услуг населению в сельской местности\***

\* Разработано автором


Махалля является не только общественным органом решения социальных и бытовых вопросов на местах, но и органом управления, способствующим повышению жизненного уровня населения. Делегирование основной части полномочий местным органам самоуправления послужит более полному учету особенностей формирования спроса в населенных пунктах. В качестве практического инструмента нами предлагается создание Координационного Совета по комплексному развитию сферы оказания торговых услуг в районе с вовлечением всех заинтересованных сторон (рис.4). Особенность функционирования данной системы заключается в том, что предложения исходят от махаллинских комитетов, а также предпринимателей и общественных организаций. В результате повышается эффективность мероприятий по развитию торговых услуг населению в разрезе отдельных населенных пунктов.



**Рис. 5. Перспективы развития организационных форм оказания торговых услуг в сельской местности (прогноз)\***

\* Разработано автором

Развитие торговой деятельности требует включения дехканских рынков и торговых комплексов, субъектов неорганизованной торговли в активную деятельность по удовлетворению потребительского спроса, которую целесообразно реорганизовать в современные структуры, также предлагается совершенствовать систему взаимодействия торговых субъектов, расположенных в сельских населённых пунктах. Мы считаем, что реализация этих мероприятий в рамках Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан позволит в 2019-2021 годах сформировать современную структуру организационных форм оказания торговых услуг в сельской местности (рис.5).



**Рис.6. Структура розничной торговли в сельской местности, основанная на электронной коммерции\***

1 – личное посещение торгового предприятия; 2 - заказ через каналы связи; 3– покупка (выполнение заказа); 4- заявка на пополнение запаса; 5 – поставка товара; 6 – договор на непрерывное пополнение товарных запасов; 7 – поставка товаров по прямым договорам или дилерскую сеть; 8 – договор на поставку сельхоз продукции.

Изучение деятельности розничных торговых предприятий и других субъектов оказания торговых услуг показало, что в развитии розничной


\* Разработано автором

торговли на селе важную роль играет товароснабжение розничной торговли. Для этого необходимо привлечь производителей, поставщиков, а также крупные торговые фирмы в сельскую местность, используя систему экономических и социальных стимулов (рис.6).

Формирование инновационных структур позволит обеспечить экономическую эффективность розничной торговой деятельности в сельской местности. Разнообразие организационных форм торговли формирует различные условия для внедрения инновационных методов электронной коммерции. Исходя из этого, мы разработали механизмы оказания торговых услуг посредством электронной коммерции отдельно для розничной торговой сети и торговых комплексов (деханских рынков).

Повышение эффективности обслуживания населения требует привлечения инвестиций в материально-техническую базу и внедрения передовых технологий торговли. На наш взгляд решение этой задачи может быть достигнуто на основе кооперации с производителями, оптовыми структурами, ведущими торговыми организациями. Вместе с тем, нами предлагается создать правовые условия для объединения отдельных предпринимателей. Считаем, что можно использовать зарубежный опыт развития розничных торговых сетей и потребительской кооперации.

Важным направлением повышения эффективности розничной торговли в сельской местности является формирование механизма постоянного повышения культуры и качества оказания торговых услуг (рис.7).



**Рис.7. Механизм непрерывного повышения качества оказания торговых услуг сельскому населению\***

В основе функционирования данного механизма положена стратегия повышения качества оказания торговых услуг в регионе на перспективу.

\* Разработано автором

Особенностью данной стратегии является учёт местных и региональных особенностей развития розничной торговли. Для повышения качества обслуживания в розничных торговых предприятиях сельских населённых пунктов необходимо совершенствование технологии торговых процессов и внедрение научных методов организации торговли. Методическую основу данного направления составляет разработка и внедрение стандартов оказания торговых услуг в сельских населённых пунктах. В отличие от правил оказания торговых услуг стандарты представляют собой обязательства торгового предприятия по установлению определенного уровня оказания торговых услуг.

Повышение культуры торгового обслуживания невозможно без непрерывного повышения квалификации сотрудников, в частности деятельность по оказанию торговых услуг требует от работников необходимой квалификации, в связи с чем, в сельской местности предлагается внедрить систему комплексной подготовки специалистов по направлениям продавец-консультант, продавец продовольственных товаров, продавец непродовольственных товаров, торговый агент и т.д. Реализация стратегии ускоренного развития оказания торговых услуг в сельской местности позволит изменить соотношение уровня торгового обслуживания в пользу сельского населения.

## **ЗАКЛЮЧЕНИЕ**

1. Эффективность оказания торговых услуг населению представляет собой сложную социально-экономическую категорию. В результате теоретических исследований мы сделали вывод, что следует различать эффективность торгового предприятия, эффективность розничной торговли и эффективность торгового обслуживания населения, которые оцениваются различными показателями. Если в первом случае основным показателем являются показатели прибыльности, во втором – показатели розничного товарооборота, то в третьем случае показатели эффективности должны отражать удовлетворенность населения системой оказания торговых услуг.

2. Развитие розничной торговли в сельской местности является не только экономической, но и социальной задачей, так как способствует повышению культуры потребления и изменению образа жизни сельского населения. Главной задачей сельской розничной торговли на современном этапе является кардинальное повышение её эффективности, то есть снижение издержек, как со стороны продавцов, так и со стороны потребителей. Исходя из этого, мы определяем эффективность оказания торговых услуг сельскому населению как совокупность показателей, характеризующих результативность коммерческой деятельности субъектов торговых отношений по удовлетворению характерных потребностей населения в товарах и услугах.

3. Важнейшей особенностью оказания розничных торговых услуг в сельской местности разнообразие организационных форм торговли. Дехканские рынки и торговые комплексы наряду со стационарной розничной



торговой сетью являются равноправными участниками потребительского рынка. Кроме того, необходимо учитывать наличие неорганизованных форм розничной торговли.

4. Анализ статистических данных показал наличие значительных резервов по совершенствованию форм и методов оказания торговых услуг в сельской местности. В частности, были выявлено отставание в уровне оказания торговыми услугами в сельской местности почти в три раза. Кроме того, выявлены значительные различия в организации торгового обслуживания по сельским районам, что требует дифференцированного подхода к решению задачи повышения эффективности оказания торговых услуг населению.

5. Совершенствование торгового обслуживания сельского населения представляет собой сложную категорию, которая включает в себя множество показателей. В связи с этим для её комплексной оценки мы выделили в диссертации ряд характерных показателей и объединили их в три группы: розничный товароборот на душу населения, совокупные покупательские издержки населения и экономическая эффективность деятельности торговых предприятий.

6. Определение потребительских издержек населения основывалось на разработанного процесса потребительского поведения сельских жителей и осуществлялось путем проведения выборочного анкетного опроса, которое было направлено на изучение удовлетворённости населения организацией торгового обслуживания в регионе. Опрос позволил получить мнение покупателей по таким показателям потребительских издержек, как: издержки, связанные с формированием потребительского спроса, издержки, связанные с поиском товаров, издержки, связанные с совершением сделки купли-продажи и издержки, связанные с послепродажным обслуживанием.

7. Проблема повышения эффективности оказания торговых услуг сельскому населению должна быть решена сочетанием традиционных и инновационных мер, направленных на развитие системы розничной торговли. Традиционные меры включают в себя повышение уровня обеспеченности населения торговыми площадями и укреплению материально-технической базы розничной торговли. Инновационные меры направлены на расширение содержания деятельности по оказанию торговых услуг с выводом их за пределы торгового зала.

8. Комплексное решение данной задачи включает в себя ряд стратегических направлений создания современной системы розничной торговли в сельской местности. Исходя из этого, деятельность по развитию торгового обслуживания должна быть объектом внимания всех заинтересованных сторон, то есть субъектов потребительского рынка и органов социальной инфраструктуры района.

9. Совершенствование организации торгового обслуживания населения в первую очередь предполагает комплексное развитие розничной торговой сети, включая дехканские рынки и торговые комплексы в регионе. В Программах развития сферы услуг сельских районов следует принять в

качестве нормативного ориентира соотношение «стационарная торговая сеть - дехканские рынки - торговые комплексы», сложившееся для данного региона с учётом экономического и демографического развития. Исходя из этого, мы предлагаем совершенствовать процесс планирования размещения розничной торговой сети с участием местных органов государственного и местного управления, в частности создание при хокимияте района Координационного Совета по развитию сферы услуг и сервиса района. Нами предлагается значительное увеличение полномочий местных органов самоуправления при решении вопросов развития сферы услуг в сельских населенных пунктах.

10. Стратегическое направление совершенствования системы оказания торговых услуг должно основываться на развитии современных методов и технологии торговли. Наш прогноз показывает, что в среднесрочной перспективе торговое обслуживание населения в сельской местности будет в формах розничной торговой сети, основанной на сетевых структурах и электронной коммерции, и торговых комплексов широкого спектра розничных торговых услуг. В диссертации разработаны предложения организация долгосрочных взаимовыгодных отношений субъектами торговли и незарегистрированными предпринимателями, которые обеспечивали бы развитие внемагазинных форм торговли и вовлечение неорганизованной торговли в официальную торговую сеть.

11. В совершенствовании торгового обслуживания сельского населения важную роль играет товароснабжение розничной торговли, при условии развития каналов товароснабжения всех субъектов торговых услуг, включая предпринимателей на дехканских рынках и торговых комплексах сельской местности. Для этого необходимо привлечь в сельскую местность крупные торговые фирмы и оптовые предприятия через систему экономических и социальных стимулов. Нами предложена система кооперации субъектов торговых услуг, что позволит снизить их издержки и повысить их конкурентоспособность.

12. Основу развития современных форм и методов торговли составляет повышение качества подготовки кадров и квалификации работников розничной торговли с использованием материальной базы профессиональных колледжей. Разработаны мероприятия по изучению передового опыта, установлению стандартов обслуживания, развитию методов стимулирования повышения качества и культуры обслуживания.

Внедрение указанных предложений и рекомендаций позволит сблизить уровень торгового обслуживания населения в городской и сельской местности и повысить эффективность торговых услуг.

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**УСМОНОВА ДИЛФУЗА ИЛХОМОВНА**

**ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА САВДО ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.2.PhD/Iqt103 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Мирзаев Қулмамат Жанзакович</b> иқтисод фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич</b> иқтисод фанлари доктори, профессор  <b>Ахроров Фарход Бахриддинович</b> иқтисод фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент давлат иқтисодиёт университети</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.18.01.рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Тимур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-28-38; факс: (99866) 231-12-53; e-mail: [ilm@sies.uz](mailto:ilm@sies.uz)).

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ ... рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри Шохрух Мирзо кўчаси, 60-уй. Тел.: (99866) 231-07-45

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Э.Пўлатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисод фанлари доктори, доцент

**И.С.Тухлиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.М.Мухаммедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон илм-фанида ҳам эътироф этилаётганидек, бугунги кунда халқимизнинг ўсиб бораётган кундалик эҳтиёжларини қондиришда хизматлар ва сервис соҳасининг ўрнини юқори даражада эканлиги бу соҳани янада ривожлантиришни талаб этади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Европа Ҳамжамияти давлатлари, Буюк Британия) “...хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши 70-80%ни ...” ташкил қилади.<sup>1</sup> Ривожланаётган мамлакатлар учун хизматлар соҳасини ривожлантириш аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг самарали усулларида ҳисобланади. Асосий масала нафақат хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улушини ошириш, балки унинг таркибини кенгайтириш, одамларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондирадиган хизмат кўрсатишнинг замонавий шакллари ва технологияларини ривожлантиришдан иборатдир.

Жаҳонда чакана савдо жараёнларининг глобаллашуви шароитида истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш, яъни “...замонавий истеъмолчиларнинг кундалик маҳсулот ва хизматларга нисбатан амалга оширилган танловининг самарадорлик кўрсаткичига эришишга интилиши ҳамда савдо хизматларининг товарни харид қилиш ва етказиб беришга нисбатан кутишларига мослиги ...”<sup>2</sup>га эришиш асосий тенденция сифатида тан олинмоқда. Ривожланган мамлакатларда чакана савдо тармоқларини ташкил этиш ва истеъмолчиларнинг талабини қондиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга асосан, хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида қишлоқ жойларида хизматлар соҳасини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш давр талаби ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида қишлоқ жойларида савдо хизматларини кўрсатиш даражасини оширишга имкон берадиган қатор Давлат дастурлари қабул қилинган ва амалга оширилган. “...Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш”<sup>3</sup> йўналишидан келиб чиқиб, республикамиз қишлоқ аҳолисига савдо хизматлари кўрсатишни янада ривожлантириш вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни ҳал этишнинг зарур шартларига қишлоқларда истеъмол бозори фаолиятининг самарадорлигини ошириш масаласи ҳам киради. Чакана савдо тармоғининг ривожланмаганлиги, қишлоқ аҳоли пунктларида замонавий чакана савдонинг шакллари кўллаш даражасини пастлиги, савдода хизмат кўрсатиш сифатининг етарли эмаслиги ушбу мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

<sup>1</sup> Жаҳон банки маълумотлари 2017 йил. Электрон манба: <http://www.worldbank.org/en/research>

<sup>2</sup> Deloitte. Global Powers of Retailing 2017. The art and science of customers. Электрон манба. [gx-cip-2017-global-powers-of-retailing](http://www.deloitte.com/uz/assets/pdf/global-powers-of-retailing).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Электрон манба [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги “2017 - 2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-2853-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сон Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Замонавий жамиятда хизматлар соҳасининг моҳияти, роли ва вазифаларини тадқиқ қилишда Д.Д.Белл, Д.К.Лавлок, Т.Д.Бурменко, О.Н.Балаева, О.Н.Романенкова<sup>4</sup> каби олимларнинг изланишлари ушбу соҳанинг назарий асослашга қаратилган.

Хизматлар соҳасининг муҳим қисми бўлмиш савдонинг ижтимоий-иқтисодий функциясига, унинг бозор иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятига кўплаб етакчи иқтисодчи олимлар изланишларида баён этилган. Уларнинг қаторида П.Э.Самуэльсон, Ф.Котлер, Ф.Г.Панкратов, К.А.Раицкий, А.М.Фридман, К.П.Цзе, И.А.Бланк, В.К.Памбухчиянц<sup>5</sup> сингариларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ички ва ташқи савдо самарадорлиги муаммоларига Б.А.Абдукаримов, М.К.Пардаев, Қ.Д.Мирзаев, И.Иватов, Н.К.Йўлдошев, М.М.Мухаммедов, Р.Х.Шодиев, Ш.Ж.Эргашходжаева<sup>6</sup> каби мамлакатимиз олимларининг тадқиқотлари бағишланган.

---

<sup>4</sup> Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования / Д. Белл; пер. с англ.; под ред. д-ра экон. наук В.Л. Иноземцева. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Academia, 2004. – 788 с. ,Лавлок К. Маркетинг услуг: персонал, технология, стратегия: учебное пособие: пер. с англ. / К. Лавлок. – 4-е изд. – М. Вильямс, 2005. – 1008 с., Бурменко Т.Д. Сфера услуг: экономика: учебное пособие /Т.Д. Бурменко, Н.Н. Даниленко, Т.А. Туренко; под ред. Т.Д. Бурменко.– М.: КНОРУС, 2007. – 328 с., О.Н.Балаева. Управление организациями сферы услуг. М.: Изд.дом высшей школы экономики, 2010.- 155с. Маркетинг услуг: Учебник / О. Н. Романенкова, И. М. Синяева, В. В. Синяев; под ред. д. э. н., проф. Л. П. Дашкова. — М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2014. — 252 с.

<sup>5</sup> Самуэльсон П. Экономика. В 2-х томах– М.: “Бим-Кнорус”. 1997, - 800с. КотлерФ. Основы маркетинга. – М.: Вильямс, 2007. – 645с. Панкратов Ф.Г. Коммерческая деятельность. - Москва, «Дашков и К°» 2012.-500 с. Раицкий К.А. Экономика организации (предприятия): Учеб. / К.А. Раицкий. - 5-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и Ко, 2005. - 1012 с. Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. Учебник. – М.: «Дашков и К°» 2017. – 656 с. Цзе К. Методы эффективной торговли. Опыт "Лучшей торговой фирмы года". - М.: Экономика, 2002. -467 с. Бланк И.А. Управление торговым предприятием. - М.: Ассоциация авторов и издателей, Издательство ЭКМОС, 2010. - 416 с Памбухчиянц В. К. Организация и технология коммерческой деятельности: Учебник - М.: "Дашков и К", 2016 – 640 с.

<sup>6</sup> Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, 2 қисмда– Т.: «Фан ва технология». 2015. – 387 с. Пардаев М.К. Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари (Назарий жиҳатлари) // Сервис.- Самарқанд, 2009. - № 1. – С. 38-46 Мирзаев К.Ж. Пардаев

Охирги йилларда чакана савдони такомиллаштириш муаммолари бўйича Н.А.Комилова, Б.Ж.Сафаров, Ф.Б.Абдукаримов, Д.А.Карх, Л.А.Зосимова, Ш.А.Салиев<sup>7</sup> каби олимларнинг тадқиқотлари олиб борилган. Шу билан биргаликда, назарий ва амалий ишланмалар бўйича олиб борилган таҳлиллар савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини аҳолининг турмуш даражаси билан боғлиқлик муаммосининг етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатди. Аҳолига савдо хизматларини кўрсатишнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларининг етарли даражада ўрганилмаганлиги ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш шароитида қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатишни такомиллаштиришга бағишланган тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги диссертациямизнинг мақсади ва предметини белгилаб берди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти мавзуси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини модернизациялаш шароитида қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

“қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлиги” атамасини ижтимоий-иқтисодий категория сифатида унинг аҳоли талабини қондириш билан ўзаро боғлиқлигини танқидий таҳлил қилиш;

қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ва унинг кўрсаткичларини аниқлаш;

қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатишнинг асосий ташкилий шакллариининг ҳолатини таҳлил қилиш ва уларни ривожлантириш бўйича илмий тавсиялар бериш;

қишлоқ жойларида савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш;

---

М.К., Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисод-молия”, 2014. – 384 б. Иватов И. Савдода маркетинг фаолияти. Монография. – Т.: ТГЭУ, 2004. – 104 с. Йўлдошев Н. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма – Т.: ТГЭУ, 2005. – 164 с. Мухаммедов М и др. Экономика торговли. - Самарқанд.1998. – 284 с. Шодиев Р.Х., Махмудов Э.Р. Жаҳон иқтисодиёти. Т. 2005.- 234 с. Эргашходжаева Ш.Ж. Қишлоқ савдосини ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари. // Экономический вестник Узбекистана.- 2004 год.- №1-2.

<sup>7</sup> Камилова Н.А. Состояние и пути совершенствования внутренней торговли Узбекистана (на примере Самаркандской области). Автореф. дисс. ... канд. экон. наук – Самарқанд: СамИЭС, 2008.- 24 с. Сафаров Б.Ж. Ўзбекистон чакана савдосида бозор тизимларининг шаклланиши ва уларни тартибга солиш. Автореф. дисс. ... канд. экон. наук. -Т.: ТГЭУ,1998 – 21с. Абдукаримов Ф.Б. Савдода бозор механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари.(Самарқанд вилояти мисолида) Автореф. дисс. ... канд. экон. наук – Самарқанд: СамИЭС,2011.- 26 с. Карх Д. А. Экономическая и социальная эффективность услуг розничной торговли. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук Екатеринбург, 2010г - 32с.. Зосимова Л.А. Эконометрическая оценка регулирования торговой деятельности на уровне муниципального образования. М.-2010 – 35с. Салиев Ш.А. Совершенствование организационно-экономических условий повышения качества торгового обслуживания населения в розничной торговле: диссертация ... кандидата экономических наук.- Москва, 2008.- 159 с.

қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатишнинг инновацион тизимини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилоятидаги қишлоқ аҳолисига чакана савдо хизматларини кўрсатиш билан шуғулланадиган турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** қишлоқ аҳолисининг истеъмол талабининг шаклланиши ва унга савдо хизматларини кўрсатиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб-натига алоқалари, тизимли ёндашув, танланма кузатув, анкета сўрови ва бошқа усуллардан фойдаланилди. Маълумотлар базалари билан ишлаш жараёнида иқтисодий-математик ва статистик усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш” тушунчасида савдо хизматлари ва истеъмол талабининг қишлоқда ўзига хослигини акс этиши ҳамда “аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлиги”да эса тижорат фаолиятининг иқтисодий-ижтимоий натижавийлигини ифодаладиган таърифлари такомиллаштирилган;

худудий, истеъмол ва тадбиркорлик ёндашувларини ўз ичига олган қишлоқ аҳолисининг хулқий жараёни ҳамда қишлоқда истеъмолчига йўналтирилган чакана савдо тармоғини ривожлантиришнинг йўналишлари ишлаб чиқилган;

қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатишнинг замонавий ташкилий шакллари ривожлантиришнинг 2019-2021 йиллардаги истиқболи бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

илғор хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, қишлоқда савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини оширишга қаратилган ва истеъмолчи манфаатларини ҳисобга олувчи электрон тижоратга асосланган савдо тузилмаси таклиф қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ жойларида чакана савдо хизматларини кўрсатишнинг ташкилий шакллари комплекс ривожлантириш зарурати асослаб берилган;

қишлоқ аҳоли пунктларида чакана савдо тармоғини такомиллаштириш ва ташкиллаштириш жараёнига маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ва барча манфаатли томонларни жалб қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатишнинг замонавий усулларини қўллаш, савдо хизматлари стандартларини жорий қилиш ва савдо ходимлари малакасини узлуксиз ошириб бориш зарурати асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда қўлланилган услубий ёндашув ва усуллар, маълумотларнинг расмий



манбалардан олинганлиги, бажарилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишларининг математик-статистик усуллар билан асослангани тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани, натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани, олинган хулоса ва натижаларнинг ишончлилигини билдиради.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:**

тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга қаратилган илмий изланишларнинг амалга оширилганлиги ҳамда қишлоқ жойларида савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўналишларининг ишлаб чиқилганлигидан иборат.

тадқиқотнинг амалий аҳамияти қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини оширишга қаратилган чоратadbирлар ва дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш имкониятларида ҳамда олинган натижаларнинг савдо ташкилотлари томонидан фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

савдо хизматлари ва истеъмол талабининг қишлоқда ўзига хослигининг акс этиши ва тижорат фаолиятининг иқтисодий-ижтимоий натижавийлигини ифодалайдиган “қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш”, “аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлиги”нинг такомиллаштирилган таърифлари 5610300-Туризм (халқаро ва ички туризм) таълим йўналишининг талабалари учун тавсия этилган “Туризм ва меҳмонхона хўжалиги менежменти” номли ўқув қўлланмасига киритилган (2017 йил 24 августдаги 603-026-сон гувоҳнома). Мазкур тақлифларнинг қўлланилиши иқтисодий фанларнинг ўқитилишида амалий аҳамиятга эга бўлади;

қишлоқ аҳолисининг ҳудудий, истеъмол ва тадбиркорлик ёндашувларини ўз ичига олган истеъмолчилар хулқий жараёни ҳамда қишлоқда чакана савдо тармоғини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган тақлифлари Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан амалиётга тадбиқ этилган (2018 йил 14 май ШД-01/810-сон маълумотнома). Илмий-методик тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши республиканинг қишлоқ туманларида чакана савдо тизимини такомиллаштиришнинг имкониятини беради;

қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатишнинг замонавий ташкилий шакллари ривожлантиришнинг 2019-2021 йиллардаги истиқболи бўйича ишлаб чиқилган тақлифлар Савдо-саноатнинг палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан амалиётга тадбиқ этилган (2018 йил 14 май ШД-01/810-сон маълумотнома). Тақлифларнинг жорий этилиши қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш бўйича истиқболли режаларни шакллантиришга имкон берди;

илғор хорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, қишлоқда савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини оширишга қаратилган ва истеъмолчи манфаатларини ҳисобга олувчи электрон тижоратга асосланган савдо тузилмасини яратиш бўйича таклифлари Савдо-саноатнинг палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан амалиётга тадбиқ этилган (2018 йил 14 май ШД-01/810-сон маълумотнома). Таклифларнинг тадбиқ этилиши республикада чакана савдонинг ташкилий шакллари ривожлантиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 145 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида олиб борилган изланишларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, изланиш мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, чоп этилган ишланмалар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг илмий услубий муаммолари”** номли биринчи бобида “қишлоқ савдо хизмати”, “қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш”, “аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлиги” категорияларининг иқтисодий моҳиятини аниқлаштириш бўйича олиб борилган назарий изланишларнинг натижалари акс эттирилган.

Республикада мустақиллик йилларида чакана савдо ривожланишининг ва унинг ҳозирги ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатдики, савдо хизматларини кўрсатишнинг мақсадлари ва йўналишлари аҳоли турмуш даражаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келган. Шу сабабли, чакана савдо соҳасининг фаолиятини унинг асосий функциясидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш зарур деган хулосага келдик. Бунинг учун савдо хизматларини кўрсатишга оид категорияларининг аҳоли манфаатлари нуктаи назаридан такомиллаштиришни тақозо қилади.

Турли мамлакатларнинг назарий ишланмаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, “савдо хизматлари” ва “савдо хизматларини кўрсатиш”

категорияларининг мазмунида аҳолининг товар ва хизматларни якуний истеъмолчисининг иштироки киритилмаган, яъни савдо хизматларини кўрсатиш объекти сифатида фақат савдо залидаги харидор кўрилган. Асосий мақсад дўконга келган харидор товарни танлаш ва харид қилиш жараёнини такомиллаштиришдан иборат бўлган. Харидорнинг талаби шакллангунга қадар қанча вақт ва ресурслар сарфлангани адабиётларда тадқиқот қилинмаган. Бизнинг фикримизча, савдо хизматлари тушунчаларини савдо залидан ташқарига чиқариш ва эҳтиёжнинг шаклланиши ҳамда талабга айланишини ҳам қамраб олинишини кўзда тутиш лозим. Савдо хизматлари барча хизматлар каби истеъмолчи томонидан фойда келтириши нуқтаи назаридан баҳоланади. Шу билан биргаликда, савдо хизматлари сотувчининг тижорат фаолияти билан боғланади, яъни фойда келтириш мезонига бўйсунуши лозим. Шу муносабат билан, савдо хизматлари тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда диссертациямизда куйидаги атамаларни такомиллаштириш зарур деб топдик. Бизнинг фикримизча, савдо хизмати деганда сотувчи томонидан товарни сотиш жараёнида моддий ва номоддий бойликларни яратиш билан боғлиқ тижорат ҳаракатлари мажмуасини тушуниш лозим. Ушбу жиҳатдан савдо хизматлари республикамиз хизматлар соҳасида салмоқли ўринни эгаллаб келмоқда. 2017 йилда савдо хизматлари 31950,1млрд. сўмни ташкил қилиб, жами хизматлар ҳажмининг 27,4%га тенг бўлган.

Савдо хизматларини кўрсатиш кенг маънога эга бўлиб, маълум ҳудуддаги чакана савдо тизимининг фаолиятини акс эттириши лозим. Шу муносабат билан ушбу атамани биз ҳудудда савдо хизматларини кўрсатиш даражаси ва сифатини, аҳоли талабининг қондирилиш даражасини ҳамда савдо муносабатларининг ривожланиш даражасини акс эттирувчи савдо хизматларини кўрсатиш тизими деб таърифладик. Олдинги таърифлардан фарқли ўлароқ, ушбу тушунчада аҳолининг талабини қондириш мезонини киритиш лозим деб ҳисобладик.

Диссертацияда қўйилган мақсадга мувофиқ қишлоқ жойларида савдо хизматларига бўлган эҳтиёжларни ўрганиш натижасида бизлар қишлоқда савдо хизматлари истеъмол талабларининг шаклланиши, мазмуни ва таркиби бўйича ўзига хос хусусиятларга эга деган хулосага келдик. Шаҳардан асосий фарқи шундаки, қишлоқларда товарларга бўлган талаб истеъмол ва ишлаб чиқариш жиҳатлари билан ажралиб туради. Талабнинг ишлаб чиқариш жиҳатлари қишлоқ ҳаётида уй хўжалигини юритиш ва махсулот етиштириш рўзгорининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бунга мос бўлган товар ва хизматларни етказиб беришда махсус инфратузилма шаклланган. Шу билан биргаликда, талабнинг истеъмол жиҳатлари аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлиб, унинг турли шаклларда намоён бўлиши ва қондириш усулларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Шунинг учун, “қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш” тушунчасига бизлар аҳолининг ўзига хос истеъмол талабини уларнинг намоён бўлиш жойларида қондиришга қаратилган барча ташкилий

шакллардаги чакана савдо ташкилотларнинг истеъмол товарларини сотиш ва хизмат кўрсатиш бўйича тижорат фаолияти элементлари деб таъриф бердик.

Аҳоли эҳтиёжларининг чакана савдо фаолияти учун бош мезон сифатида қабул қилиниши, изланишларимизда самарадорлик тушунчасига ҳам ўзига хос таъриф беришга асос бўлди. Шунга асосан, бизлар аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ҳудудда савдо муносабатлари барча субъектларининг аҳолининг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган тижорат фаолиятнинг ижтимоий-иқтисодий натижавийлигини мужассамлаштирган ҳудудий, истеъмол ва тадбиркорлик кўрсаткичлар тизими деб таърифладик. Ушбу таърифнинг аҳамиятли томони самарадорликни баҳолашда истеъмол кўрсаткичларининг киритилишидадир. Савдо хизматларининг мавжуд самарадорлик тизимида ҳудудий кўрсаткичига аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси киритилса, тадбиркорлик кўрсаткичларини савдо корхоналари рентабеллиги ҳамда савдо хизматлари ҳажмини акс эттиради. Аҳолининг эҳтиёжлари қай даражада қондирилиши амалдаги савдо статистикаси тизимида ўз аксини топмаганлиги илмий изланишимизнинг долзарблигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси чакана савдо кўрсаткичларининг таҳлили чакана савдо айланмаси ва савдо хизматлари ҳажмининг барқарор ўсиш тенденцияси мавжудлигини кўрсатади (1-жадвал). Фақат 2017 йилда истеъмол нархлари индекси омили таъсирида ушбу кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилган. Рақамлар, шунингдек қишлоқда чакана савдо ривожланишининг шаҳарга нисбатан орқадалигини кўрсатмоқда.

2017 йилда чакана савдо айланмасининг ҳажмида йирик савдо корхоналарининг улуши 11,6%ни, кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши – 22,5%ни, хусусий тадбиркорлик ва жисмоний шахсларнинг улуши эса 65,9%ни ташкил қилган.

Қишлоқ жойларида чакана савдонинг хусусиятларидан бири бўлиб эркин рақобат муҳити ва савдо хизматларини кўрсатиш шаклларининг хилма-хиллиги ҳисобланади.

Турғун чакана савдо тармоғи билан бир қаторда, қишлоқларда деҳқон бозорлари, савдо мажмуалари, коммивояжерлар ва чакана савдонинг ташкиллаштирилмаган шакллари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда республика бўйича савдо хизматларининг асосий қисмини чакана савдо ташкилотлари (35,1%), деҳқон бозорлари (32%) ва савдо мажмуалари (23,9%) кўрсатиб келмоқда. Савдо хизматларининг сезиларли қисми савдо мажмуаларига тўғри келмоқда, яъни ҳар тўртинчи харид савдо мажмуалари ихтисослашган бозорларда амалга оширилмоқда. Қишлоқ жойларида аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш даражаси расмий статистикада ўз аксини топмаган, ташкиллаштирилмаган савдога ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Олимларнинг баҳолари бўйича унинг ҳажми расмий чакана савдо айланмасининг 10-15%игача бўлиши мумкин.

**1-жадвал.**

**2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида чакана савдонинг асосий кўрсаткичлари\***

№	Кўрсаткичнинг номи	2013	2014	2015	2016	2017
1	Сотишнинг барча каналлари бўйича чакана савдо айланмаси, млрд. сўм	47011	58643,4	71184,1	88071,6	105767,8
	Истеъмол нархлари индекси	1,068	1,061	1,056	1,057	1,114
2	Чакана савдо айланмасининг олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати, %	113,7	116,5	115,9	117,0	107,8
3	Аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси, минг сўм	1549,5	1890,1	2274,3	2765,4	3265,7
4	Аҳоли жон бошига чакана савдо айланмасининг олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати, %	115,4	113,4	113,9	115,0	106,0
5	Чакана савдо айланмасининг умумий ҳажмидан, шаҳарда	34597	44515	54385	67357	80806,6
	Қишлоқда	12266	13621	16799	20714	24961,2
6	Қишлоқ чакана савдо айланмасининг улуши, %	26,1	23,4	23,6	23,5	23,6
7	Савдо хизматлари, млрд. сўм	14665,6	18722,8	20832,5	25157,6	31950,1
8	Савдо хизматларининг чакана савдо айланмасига нисбати, %	31,20	32,20	29,3	28,6	27,4

Савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлиги тизимида муаммоларнинг мавжудлигини давлат статистик ҳисоботларида чакана савдонинг турли ташкилий шакллари бўйича кўрсаткичлар мониторингини юритишда охириги тўхтамга келмаганлигида ҳам кўринади. Масалан, деҳқон бозорлари, савдо комплексларида ва уюшмаган савдода хизматлар ҳажмини аниқлашда ечимини топмаган масалалар мавжуд. Назарий изланишлар мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши ҳисобланган қишлоқ жойларида савдо хизматларини жадал ривожлантириш заруратини кўрсатиб берди.

Диссертациянинг “Самарқанд вилоятида қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш ҳолатини тадқиқ қилиш” деб номланган иккинчи бобида Самарқанд вилояти маълумотлари асосида қишлоқ жойларида истеъмол бозорининг ҳолати ва савдо хизматларини кўрсатишнинг комплекс тадқиқоти ўтказилган. Тадқиқот жараёнида бизлар Самарқанд вилоятида чакана савдонинг ривожланиши бўйича статистик маълумотларни ўргандик ва таҳлил қилдик. Охириги йилларнинг маълумотлари аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси кўрсаткичларининг барқарор ўсишини кўрсатмоқда (2-жадвал). Шу билан биргаликда, ушбу кўрсаткичнинг йиллик ўсиш суръати ўрганилган давр ичида пасайиб бориши

\*Манба: Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

кузатилган, модомики, давлат дастурлари прогноз параметрлари бўйича ўртача йиллик ўсиш суръати 120% дан кам бўлмаслиги кўзда тутилган.

**2-жадвал.**

**2013-2017 йилларда Самарқанд вилояти аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси кўрсаткичлари\***

№	Кўрсаткичнинг номи	2013	2014	2015	2016	2017
1	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмаси жами, минг сўм, шу жумладан:	1151,3	1400,9	1698,3	2102,2	2446,5
	Шаҳарда	2398,4	3114,1	3917,8	4903,8	5860,4
	Қишлоқда	928,9	1129,5	1376,6	1656,2	1741,3
	Истеъмол нархлари индекси	1,068	1,061	1,056	1,057	1,114
2	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмасининг ўсиш суръати, олдинги йилга нисбатан % ларда, шу жумладан	114,2	113,9	114,8	117,1	104,4
	Шаҳарда	120,5	122,4	119,1	118,4	107,2
	Қишлоқда	115,2	114,6	115,4	113,8	94,4
3	Шаҳарда ва қишлоқда аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмасининг нисбати	<b>2,6:1</b>	<b>2,75:1</b>	<b>2,84:1</b>	<b>2,96:1</b>	<b>3,36:1</b>

Таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар бўйича қишлоқ аҳолиси шаҳар аҳолисига нисбатан анча орқадалиги аниқланди. Масалан, аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси қишлоқ жойларда шаҳарга нисбатан 3,3 баробар пастдир. Таҳлил жараёнида туманлар кесимида савдо хизматларини кўрсатишда катта фарқ мавжудлиги аниқланди, бу эса ҳар бир туманга алоҳида ёндашиш зарурлигини тасдиқлайди. Демак, қишлоқ жойларда савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим вазифаларидан бири мавжуд номуносивликни бартараф қилишдир.

Мазкур масалани ҳал қилиш, бир томондан, савдо хизматларини кўрсатиш тизимида иқтисодий муносабатларни ривожлантиришни, иккинчи томондан эса, савдо хизматлари самарадорлигини баҳолашнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш билан боғлиқдир.

Биринчи йўналиш: савдо тадбиркорлиги субъектлари фаолиятини такомиллаштиришга боғлиқдир. Биз томонимиздан савдо хизматларини кўрсатиш субъектлари ўртасида чакана савдо айланмасининг тақсимланиши таҳлил қилинди. Тадқиқотлар натижалари вилоят бўйича савдо хизматларини кўрсатиш соҳасида деҳқон бозорлари ва савдо мажмуаларининг тутган ўрнининг ошиб боришидан далолат бермоқда, улар жами савдо хизматлари ҳажмининг 63%ни ташкил қилади. Савдо хизматларини кўрсатишнинг турли ташкилий шаклларининг чуқур таҳлили уларнинг кучли ва кучсиз томонларини тавсифлашга имкон берди ва қишлоқ

\* Манба: Жадвал муаллиф томонидан Самарқанд вилояти статистика бошқармаси ([www.samstat.uz](http://www.samstat.uz)) ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги расмий сайти ([www.samarkand.uz](http://www.samarkand.uz)) маълумотлари асосида тузилган.

аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш истиқболларини баҳолаш учун асос бўлди.

Савдо хизматларини кўрсатиш даражасини баҳолашни такомиллаштириш зарурати шундан иборатки, амалдаги расмий статистика тажрибасида фақат аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси ва жами савдо хизматлари кўрсаткичлари қўлланилмоқда.

Республика қишлоқ туманларида савдо хизматларини кўрсатиш даражасини объектив баҳолашга илмий-услубий услуб сифатида бизлар комплекс ёндашувни таклиф қилдик. Бу ёндашув муаммонинг ҳудудий, истеъмол ва тадбиркорликка оид жиҳатларини ҳисобга олади ва савдо хизматлари кўрсатиш фаолиятининг мураккаблигини акс эттиради.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида бизлар аҳолига савдо хизматларини кўрсатишнинг умумлашган кўрсаткичларига қуйидагиларни киритишни лозим деб топдик:


-ҳудудда чакана савдонинг ривожланиш даражасини акс эттирувчи аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмаси кўрсаткичи;

-истеъмолчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини акс эттирувчи аҳолининг ялпи истеъмол харажатлари кўрсаткичи;

-савдо хизматларини кўрсатиш субъектлари иқтисодий манфаатларини акс эттирувчи савдо ташкилотлари фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичи.

Ўз навбатда, ҳар бир умумлашган кўрсаткич савдо хизматларини кўрсатишнинг хусусий кўрсаткичлардан таркиб топади, чунки уларнинг мураккаблиги бир формула билан ифодаланишига имкон бермайди.

Олиб борилган назарий ва амалий изланишлар натижасида бизлар шу хулосага келдикки, қишлоқ жойларида савдо хизматларини кўрсатиш даражасини турли ижтимоий-иқтисодий табиатга эга бўлган кўрсаткичлар тизими орқали баҳолаш лозим (1-расм).



**1-расм. Қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими\***

Иқтисодий жиҳатдан мазкур ёндашувнинг қўлланилиши қишлоқ туманларида мавжуд савдо хизматлари кўрсатиш тизимининг ҳолатини объектив баҳолаш учун хизмат қилиши мумкин. Шунга асосан, ижтимоий зарур савдо хизматларини аниқлашга, яъни савдо ташкилотлари ялпи

\* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


даромадларидан кўрсатилган савдо хизматларининг субъектив баҳоларини муомаладан олиб ташлаш, шу билан биргаликда, қулай савдо муҳитини шакллантириш ва аҳолининг талабини ўрганиш хизматларини қўшиш орқали босқичма-босқич ўтишга имкон берилади.

Тадқиқотлар даврида маълум бўлдики, бугунги кунда аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини баҳолашда истеъмол жихатларига етарлича эътибор берилмаяпти. Аҳолининг товарларга бўлган талабини шаклланиши хусусиятларини очиб беришда “истеъмолчи” ва “харидор” атамаларининг аниқлаштирилиши илмий-услубий жихатдан муҳим аҳамиятга эга. Истеъмол танловини таъминлаш, яъни талабни янада самаралироқ йўл билан қондириш имконининг мавжудлиги, баҳолашнинг истеъмол жихатларини услубий асосини ташкил қилади. Талаб шаклланишининг турли босқичларида қишлоқ аҳолиси ҳар хил ролларни бажариб келади: жумладан, эҳтиёж ташувчиси сифатида, кейин харидор сифатида ва якуний босқичда истеъмолчи сифатида.

Қишлоқ аҳолисининг турли гуруҳларини ўрганиш уларнинг истеъмолчи хатти-ҳаракатларида маълум қонуниятларни очиб беришга имкон берди. Бунинг асосида диссертацион тадқиқотимизда қишлоқ аҳолисининг истеъмол хулқий жараёни ишлаб чиқилган (2-расм). Ушбу жараён хариднинг жойи, вақти ва характери тўғрисида қарор қабул қилишнинг ижтимоий-иқтисодий табиатини кўрсатади.

Мазкур ёндашувнинг қўлланилиши қишлоқ жойларида истеъмол товарларига бўлган талабнинг шаклланиши тўғрисидаги илмий қарашларнинг ривожланишига ёрдам беради ҳамда савдо хизматларини кўрсатиш тизими самарадорлигини харидорлар томонидан субъектив баҳолашнинг тушунишга имкон беради. Истеъмол харажатларининг ижтимоий келиб чиқишини ҳисобга олган ҳолда анкета сўрови усулидан фойдаланилди, чунки бунда, бир томондан, истеъмолчиларнинг фикрини ўрганиш орқали аҳолига савдо хизматларини кўрсатишнинг ижтимоий жихатларини ҳисобга олинади, иккинчи томондан, ялпи истеъмол харажатларини билвосита алоқалар орқали тавсифлашга имкон беради.

Респондентлар сифатида Самарқанд вилоятининг учта туманидан 300 дан ортиқ фуқаролар жалб қилинган. Сўровнома шундай тузилганки, саволларга берилган жавобларда истеъмол харажатларининг барча гуруҳлари камраб олинган. Сўров натижаларини таҳлил қилишда аҳолининг ялпи истеъмол харажатларининг ҳар бир кўрсаткичи бўйича уч хил муносабат ажратиб олинди: ижобий, бефарқ ва салбий. Бу истеъмолчилар томонидан савдо хизматларига бўлган эҳтиёжнинг қондирилиш даражасини миқдорий ифодалашга имкон берди.





**2-расм. Қишлоқ аҳолисининг истеъмолчи сифатидаги хулқий  
жараёнининг блок схемаси\***

---

\*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Истеъмолчилар жавобини қайта ишлаш натижасида қуйидаги жадвал маълумотлари билан изоҳлаш мумкин (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Истеъмолчиларнинг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиш билан боғлиқ харажатларга бўлган муносабатлари\*

№	Кўрсаткичнинг номи	Истеъмолчилар муносабати бўйича жавоблар тақсимоли, %		
		Ижобий	Бефарқ	Салбий
1	Истеъмол талабининг шаклланиши билан боғлиқ харажатлар	45,0	23,0	32,0
2	Товарни излаш билан боғлиқ харажатлар	46,7	11,7	41,6
3	Олди-сотди битимини тузиш билан боғлиқ харажатлар	32,5	45,0	22,5
4	Сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар	56,7	13,3	30,0

Истеъмолчиларнинг кўпчилиги аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш ҳолатини ижобий баҳолаганлар. Масалан, сўровда иштирок этганларнинг 45% и истеъмол талабининг шаклланиши билан боғлиқ харажатларни, 46,7% и товарни излаш билан боғлиқ харажатларни, 56,7% и сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни ижобий баҳоладилар, яъни савдо хизматларини кўрсатишнинг ҳозирги ҳолати уларнинг кутишларига мос. Истеъмолчилар жавобларида салбий муносабатларнинг мавжудлиги ҳудудларда савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

Сўров натижалари бўйича аҳолининг эҳтиёжини қондириш даражасини баҳолаш имкони пайдо бўлди, яъни:

$$K_k = \sum (K_{ki}) / 4$$

Бунда:  $K_{ik} = (N - N_{ic}) / N$  – истеъмол харажатларининг  $i$ -кўрсаткич тури бўйича қониқиш даражаси;

$N$  – респондентларнинг умумий сони;

$N_{ic}$  –  $i$ -кўрсаткич бўйича салбий муносабат билдирган респондентлар сони.

Ушбу кўрсаткич қишлоқ аҳолисининг чакана савдо ҳолати ва савдо хизматлари мазмунига бўлган муносабатини аниқлашга ва аҳолига савдо хизматлар кўрсатишнинг ҳақиқий даражасини баҳолашга имкон беради. Шунда қишлоқда савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини аҳолининг истеъмол харажатлари ва савдо хизматлари субъектларининг ялпи даромадларини ўзида мужассамлаштирган чакана савдо айланмасининг интеграл кўрсаткичи билан баҳолаш мумкин бўлади. Шу билан биргаликда, ушбу ёндашувнинг устунлиги ҳар бир туманда аҳолининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилишда намоён бўлади.

Ушбу формуланинг амалда қўлланилишини статистик органлар томонидан уй хўжаликларини ўрганиш жараёнида истеъмол харажатларини даврий равишда ўрганиш орқали тавсия қиламиз.

\*Манба: Жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Диссертацион тадқиқотнинг “Қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятнинг такомиллаштириш йўллари” деб номланган учинчи боби қишлоқ аҳоли пунктларида савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ва илмий асослашга бағишланган (3-расм).



**3-расм. Қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг стратегик йўналишлари\***

Ушбу йўналишлар қишлоқ жойларида савдо хизматларини кўрсатиш тизимини қайта қуриш, савдо хизматларини кўрсатиш, интенсивлаш ҳамда уларни мазмунан янгилашни қамраб олган. Ҳар бир кичик тизим аҳоли эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси ва чакана савдо самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифаларни бажаришга йўналтирилган.


Савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг асосий манбаси савдо субъектлари сонини кўпайтириш ва уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ҳисобланади. Маълумотлар кўрсатишича, қишлоқ жойларини савдо майдонлари билан таъминлаш даражаси шаҳарга нисбатан анча паст. Демак, чакана савдо субъектларини жойлаштиришнинг истиқболли режалари аҳолига савдо хизматларини такомиллаштиришнинг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Диссертацияда қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатишга таъсир кўрсатадиган омиллар ўрганиб чиқилган. Умумий таъсир кучига эга омиллар ҳудудда савдо ва истеъмол бозорининг ривожланиш даражасини акс

\*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

эттиради ва барча аҳоли яшаш пунктларида бир хил таъсир қилади. Тадқиқотимизда умумий таъсир кучига эга омиллар ва аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси орасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш орқали ушбу омилларнинг таъсири таҳлил қилинди. Таҳлиллар умумий таъсир кучига эга омилларни савдо хизмати самарадорлигига таъсирининг пастлигини кўрсатди, бу эса хусусий таъсирга эга омилларнинг аҳамиятидан далолат беради.

Хусусий таъсир кучига эга омиллар алоҳида аҳоли пунктларида савдо хизматларини кўрсатиш даражасини белгилайди, шунинг учун, уларнинг таъсир доираси чекланган ва умумий тенденцияга мос келмаслиги мумкин. Хусусий таъсирга эга асосий омил сифатида ҳудудда аҳолининг жойлашиш омили ажратилди. Аҳоли яшаш жойлашишининг характери мазкур ҳудуд-да аҳоли яшаш пунктларининг сони ва таркибини белгилайди, жойларда савдо хизматларини кўрсатишни ташкил қилишга кўмаклашади ёки тўсқин-лик қилади. Чакана савдо тармоғини ривожлантириш чораларини ишлаб чиқиш-да аҳоли пунктлари бўйича алоҳида ёндашувни қўллашни таклиф қиламиз.



**4-расм. Қишлоқ жойларида аҳолига савдо хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш бўйича манфаатли томонларининг ҳамкорлиги тизими\***

Бугунги кунда Ўзбекистонда халқнинг кўп асрлик анъаналарини ва жамиятимизнинг демократлаштириш жараёнларини ўзида мужассамлаштирган ноёб ўзини ўзи бошқариш органи, яъни маҳалла шаклланган. Маҳалла

\*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

маълум аҳоли яшаш жойида ижтимоий ва маиший масалаларни ҳал қилишга қаратилган жамоатчилик ташкилоти бўлибгина қолмай, аҳолининг турмуш даражасини оширишга кўмаклашадиган жамоат бошқарув органи ҳам ҳисобланади. Ваколатларнинг асосий қисмини ҳудудий давлат бошқарув органларидан ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органларига узатилиши алоҳида аҳоли яшаш жойларида талаб шаклланишининг хусусиятларини тўлароқ ҳисобга олинишига хизмат қилади. Амалий восита сифатида барча манфаатдор томонларни жалб қилиш асосида аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашни ташкил этишни таклиф қиламиз (4-расм).




**5-расм. Қишлоқ жойларида савдо хизматларини кўрсатишнинг ташкилий шакллари ривожланиши (прогноз)\***

Мазкур тизимнинг фаолият кўрсатиш хусусияти шундаки, таклифлар маҳалла кўмиталари ҳамда тадбиркорлар ва жамоат ташкилотларидан чиқади. Натижада, алоҳида аҳоли яшаш пунктлари кесимида савдо

\*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

хизматларини кўрсатиш чораларининг самарадорлиги кескин ошади. Савдо фаолиятини жадал ривожлантириш деҳқон бозорлари ва савдо мажмуалари, ташкиллаштирилмаган савдо субъектларининг истеъмол талабини қондириш бўйича фаол ҳаракатларга жалб қилишни тақозо қилади, яъни уларни замонавий тузилмаларга (масалан, тармоқли тузилмалар) айлантириш лозим. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасида бешта устувор йўналиш бўйича янада ривожлантириш Стратегияси доирасида амалга ошириладиган чоралар 2019-2021 йилларда қишлоқ жойларида савдо хизматларини кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантиришга имкон беради (5-расм).



**6-расм. Қишлоқда савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини оширишга ва электрон тижоратга асосланган чакана савдо тузилмаси\***

1 – савдо корхонасига шахсий ташриф; 2 – алоқа каналлари орқали буюртма; 3 – харид (буюртмани бажариш); 4 – захирани тўлдириш буюртмаси; 5 – товарни етказиб бериш; 6 – товар захираларини узлуксиз тўлдириш шартномаси; 7 – тўғридан-тўғри шартнома ёки диллерлик тармоғи орқали товарни етказиш; 8 – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш шартномаси.

Чакана савдо ташкилотлари фаолиятини ўрганиш аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий-техник базасига инвестицияларни жалб қилиш, товар таъминоти тизимини

\*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

мустаҳкамлаш ва савдонинг илғор технологияларини қўллаш зарурлигини кўрсатди. Бизнингча, ушбу масалани иқтисодий ва ижтимоий воситалар ёрдамида шаҳардаги йирик савдо корхоналарини қишлоққа жалб қилиш йўли билан ҳал қилиш мумкин (6-расм).

Бундан ташқари, хусусий тадбиркорларнинг бирлашиш жараёнлари учун ҳуқуқий шароитлар яратилиши таклиф қилинади. Хорижий давлатларнинг чакана савдо тармоқлари ҳамда матлубот кооперациясини ривожлантириш бўйича тажрибаларни ўрганиш ва қўллашни таклиф қиламиз. Қишлоқ жойларида чакана савдонинг самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши – бу савдо хизматлари маданияти ва сифатини доимий равишда такомиллаштириш механизмини шакллантиришдир (7-расм). Ушбу механизмнинг негизида ҳудуднинг истикболда савдо хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш стратегияси қўйилган. Мазкур стратегиянинг ўзига хослиги чакана савдо ривожланишининг ҳудудий ва маҳаллий хусусиятларини ҳисобга олишдадир.



**7-расм. Қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатишнинг сифатини узлуксиз ошириш механизми\***

Қишлоқ аҳоли пунктлари савдо корхоналарида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун савдо жараёнлари технологиялари ва савдони тақшил қилишнинг илмий усулларини жорий этиш зарур. Ушбу йўналишнинг услубий асоси қишлоқларда савдо хизматларини кўрсатиш стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ҳисобланади. Чакана савдо қоидаларидан фарқли ўлароқ, хизмат кўрсатиш стандартлари савдо корхонасининг савдо хизматлари даражаси бўйича олдига қўйган мажбуриятларини акс эттиради. Чакана савдонинг илмий усулларини савдо залидан ташқарида хизмат кўрсатиш шакллари, электрон тижорат

\*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

узуллари кенгайтириш ҳамда чакана савдо корхоналарида хизмат кўрсатишнинг инновацион тартибга солиш механизмларини киритиш орқали кенгайтиришни таклиф қиламиз.

Савдо хизматларини кўрсатиш маданиятини оширишда фаолият кўрсатаётган ходимлардан етарли малакага эга бўлишни талаб қилади, шунинг учун қишлоқ жойларида сотувчи-маслаҳатчи, озиқ-овқат товарлари сотувчиси, ноозиқ-овқат товарлари сотувчиси, савдо агенти каби йўналишлар бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини шакллантиришни таклиф қиламиз. Қишлоқ жойларида савдо хизматларини кўрсатишни жадал ривожлантириш стратегиясининг бажарилиши аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш нисбатини қишлоқ аҳолиси фойдасига ўзгартиришга имкон беради.

## ХУЛОСА

1. Аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория сифатида намоён бўлади. Назарий изланишлар натижасида бизлар турли кўрсаткичлар билан баҳоланадиган савдо корхонаси самарадорлиги, чакана савдо самарадорлиги ва аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлиги тушунчаларини ажратиш лозим деган хулосага келдик. Агар, биринчи ҳолатда, асосий ўринда фойдалилик кўрсаткичлари турса, иккинчи ҳолатда, чакана савдо айланмаси кўрсаткичларига эътибор қаратилади, учинчи ҳолатда эса, самарадорлик кўрсаткичлари аҳолининг савдо хизматларини кўрсатиш тизимидан қониқишини акс эттириши лозим.

2. Қишлоқ жойларида чакана савдони ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий масала ҳисобланади, чунки истеъмол маданиятини оширишга ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш тарзининг ўзгаришига хизмат қилади. Бугунги кунда қишлоқ чакана савдосининг асосий вазифасига унинг самарадорлигини кескин ошириш, яъни сотувчи томонидан ҳам, харидор томонидан ҳам харажатларни пасайтириш киради. Шу муносабат билан, биз қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлиги деганда савдо муносабатлари субъектларининг аҳолининг товар ва хизматларга бўлган ўзига хос эҳтиёжларини қондириш фаолияти натижавийлигини тушунамиз.

3. Қишлоқ жойларида савдо хизматларини кўрсатишнинг асосий хусусиятига савдонинг ташкилий шакллариининг хилма-хиллиги киради. Турғун чакана савдо тармоғи билан бир қаторда, деҳқон бозорлари ва савдо мажмуалари истеъмол бозорининг тенг ҳуқуқли иштирокчилари ҳисобланади. Бундан ташқари, ташкиллаштирилмаган савдо шакллариини ҳам ҳисобга олиш лозим.

4. Статистик маълумотларнинг таҳлили қишлоқ жойларида савдо хизматларини кўрсатиш шакллари ва узуллариини такомиллаштиришда катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан, қишлоқ жойларида савдо хизматларини кўрсатиш даражаси шаҳарга нисбатан қарийб уч баробар пастлиги аниқланди. Бундан ташқари, вилоят туманлари кесимида савдо хизматларини ташкил этиш бўйича сезиларли фарқлар мавжудлиги аҳолига



савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш масаласини ҳал қилишда дифференциаллашган ёндашувни талаб қилади.

5. Қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш кўплаб кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштирган мураккаб категориядир. Шу муносабат билан, уни комплекс баҳолаш учун диссертацияда қатор кўрсаткичларни ажратдик ва уч гуруҳга бирлаштирдик: аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси, аҳолининг истеъмол харажатлари ва савдо субъектлари фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги.

6. Аҳолининг истеъмол харажатларини аниқлаш биз томонимиздан ишлаб чиқилган қишлоқ аҳолисининг истеъмол хулқий жараёнига асосланган бўлиб, аҳолининг ҳудуддаги савдо хизматларини ташкил этилганлигидан қониқишни аниқлашга қаратилган анкета сўрови йўли билан амалга оширилган. Сўров натижалари истеъмолчиларнинг истеъмол талабининг шаклланиши билан боғлиқ харажатлар, товарни излаш билан боғлиқ харажатлар, олди-сотди битимини тузиш билан боғлиқ харажатлар, сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар каби кўрсаткичлар бўйича муносабатларини аниқлашга имкон берди.

7. Қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш муаммоси чакана савдо тизимини ривожлантиришнинг анъанавий ва инновацион чораларининг биргаликда олиб борилиши билан ҳал қилиниши мумкин. Анъанавий чоралар аҳолининг савдо майдонлари билан таъминланганлигини ошириш ва чакана савдонинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилади. Инновацион чоралар савдо хизматларини кўрсатиш фаолиятининг мазмунини кенгайтиришга ва уларни савдо залидан чиқаришга йўналтирилади.

8. Мазкур масаланинг комплекс ечими қишлоқларда чакана савдонинг замонавий тизимини яратишнинг қатор стратегик йўналишларни ўз ичига олади. Шундан келиб чиққан ҳолда, савдо хизматларини кўрсатиш жараёни барча манфаатли томонлар, яъни истеъмол бозори субъектлари ва туман ижтимоий инфратузилмаси диққат марказида бўлиши лозим.

9. Аҳолига савдо хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш биринчи босқичда ҳудудда чакана савдо тармоғини, шу жумладан, ҳудуддаги деҳқон бозорлари ва савдо комплексларининг комплекс ривожлантирилишини тақозо қилади. Қишлоқ туманларида хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастурларида мазкур ҳудуднинг иқтисодий ва демографик ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган “чакана савдо тармоғи-деҳқон бозорлари-савдо комплекслари” нисбатининг меъёрларини асос сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Диссертацияда савдо хизматлари тармоғини режалаштириш жараёнини такомиллаштиришда маҳаллий бошқарув органлари иштирокини кенгайтириш, жумладан, туманда хизматлар соҳаси ва сервисни ривожлантиришни Мувофиқлаштириш Кенгашини тузиш таклиф қилинди.

10. Савдо хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг стратегик йўналиши савдонинг замонавий усуллари ва технологияларини

ривожлантиришга асосланиши лозим. Яқин келажакда аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш тизимида асосий ўринни тармоқли тузилмалар ва электрон тижоратга асосланган чакана савдо тармоғи ҳамда кенг қамровли чакана савдо хизматлари кўрсатадиган савдо мажмуалари эгаллаши прогнози ишлаб чиқилди. Диссертацияда савдо хизматлар субъектлари ва хилма-хил савдо шакллари қўллаётган рўйхатга олинмаган савдо тадбиркорлари орасида узоқ муддатли ўзаро манфаатли муносабатларни шакллантириш таклифлари келтирилган.

11. Савдо хизматларини кўрсатишни такомиллаштиришда барча савдо субъектларининг, шу жумладан, қишлоқ жойларидаги деҳқон бозорлари ва савдо мажмуаларидаги тадбиркорларнинг товар тарқатиш каналларини ривожлантириш орқали товар билан таъминлаш тизими ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бунинг учун йирик савдо фирмалари ва улгуржи сотувчиларни иқтисодий ва ижтимоий имтиёзлар орқали қишлоқ жойларига жалб қилиш таклифлари ишлаб чиқилди. Биз томонимиздан таклиф этилган савдо хизматлари субъектларининг кооперация тизими уларнинг харажатларини камайтириш ва рақобатбардошлигини оширишга имкон беради.

12. Савдо хизматларини ривожлантиришнинг замонавий шакл ва усулларининг асосини қишлоқ жойларидаги касб-ҳунар коллежлари моддий базаси негизида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш ташкил қилади. Илғор тажрибани ўрганиш, хизмат кўрсатиш стандартларини жорий қилиш, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини оширишни такомиллаштириш усулларини ривожлантириш чоралари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Юқоридаги таклиф ва тавсияларнинг тадбиқ этилиши шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш даражаларининг яқинлашишига ва савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини оширишга имкон беради.

**SCIENTIFIC COUNCIL NO DSc.27.06.2017.I.18.01 ON AWARD OF  
SCIENTIFIC DEGREES AT SAMARKAND INSTITUTE OF ECONOMICS  
AND SERVICE**

---

**SAMARKAND INSTITUTE OF ECONOMICS AND SERVICE**

**USMONOVA DILFUZA ILHOMOVNA**

**IMPROVING THE EFFICIENCY OF THE PROVISION OF TRADING SERVICES TO  
THE RURAL POPULATION**

**08.00.05 - Economics of service sphere branches (economic sciences)**

**DOCTORAL THESIS (PhD) ABSTRACT ON ECONOMIC SCIENCES**

**Samarkand – 2018**

**The theme of doctoral thesis (PhD) is registered under number B2017.2.PhD/Iqt103 at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.**

Doctoral thesis was carried out at Samarkand Institute of Economics and Service.

The abstract of thesis is uploaded in two languages (Uzbek and Russian) on the web page of the Scientific Council ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) and Informational-educational portal «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Scientific consultant:** **Mirzaev Kulmamat Djanzakovich,**  
Doctor of economics, professor

**Official opponents:** **Pardaev Mamayunus Karshibayevich**  
Doctor of economics, professor

**Ahrorov Farhod Bahriddinovich**  
Candidate of economics, assistant professor

**Leading organization:** **Tashkent state university of economics**

The defense of the thesis will take place on \_\_\_\_\_, 2018 at \_\_\_\_ at a meeting of Scientific Council No. DSc.27.06.2017.I.18.01 at the Samarkand Institute of Economics and Service. Address: 140100, Samarkand city, Amir Temur street, 9. Tel.: (998 66) 231-07-45, fax: (+998 66) 231-12-53, e-mail: [ilm@sies.uz](mailto:ilm@sies.uz)

A typescript variant of the doctoral thesis is available at the Informational-resource center of Samarkand Institute of Economics and Service (registered under № 010). Address: 140100, Samarkand city, Shokhrukh street, 60. Tel.: (+998 66) 233-34-76, fax: (+998 66) 231-12-53, e-mail: [ilm@sies.uz](mailto:ilm@sies.uz)

The abstract of doctoral thesis was circulated on «\_\_» \_\_\_\_\_, 2018.  
(protocol of the register №\_\_ from \_\_\_\_\_ «\_\_», 2018).

**M.E.Pulatov**  
Chairman of the Scientific Council for  
awarding scientific degrees, doctor of  
economics, assistant professor

**I.S.Tuxliev**  
Scientific secretary of the Scientific  
Council for awarding scientific degrees,  
doctor of economics, professor

**M.M.Muhammedov**  
Chairman of the scientific seminar under  
the Scientific Council for awarding  
scientific degrees, doctor of economics,  
professor

## INTRODUCTION (annotation of PhD thesis)

**The aim of the research** is to develop proposals and recommendation to improve the efficiency of the provision of trade services to the rural population in the context of the modernization of the economy of the Republic of Uzbekistan.

**The stated goal of the research determined solving the following tasks:**

a critical analysis of the concept of “efficiency of the provision of trade services to the rural population” as a socio-economic category in close connection with satisfaction the demand of the population;

development of scientific and methodological bases for assessing the effectiveness of the provision of trade services to the rural population and determination of it’s indicators;

analysis of the state of the main organizational forms of providing trade services to the rural population and development of scientific recommendations for the development;

development of strategic points to increase the efficiency of the provision of trade services in rural areas;

development of proposals for the formation of an innovative system of trade services for the rural populations.

**The object of research** are enterprises and organizations in various forms of ownership engaged in the provision of retail services to the rural population of Samarkand region of the Republic of Uzbekistan

**The subject of investigation** socio-economic relations, which arise in the process of formation of consumer demand of the rural population and it’s satisfaction by retail entities, as well as problems related to improving the efficiency of the provision of trade services.

**The scientific novelty of the research** consists of the following:

an improved definition of the concept of “trading service for the rural population” was developed, reflecting the specific features of consumer trading services and consumer demand in rural areas, as well as the category “efficiency of providing trading services to the population” including the socio-economic efficiency of commercial activities;

a process of behavior of rural residents has been proposed, including regional, consumer and business aspects, as well as strategically designed directions for the development of a retail distribution network in rural regions, focused on the consumer;

the prospects for the development of modern organizational forms of trade services for the rural population for 2019–2021 were determined based on advanced foreign experience;

a modern retail structure based on e-commerce has been proposed in rural areas, taking into account the interests of consumers and aimed at improving the efficiency of trading services.

### **Implementation of results of research.**

The results of theoretical and practical research to improve the efficiency of the provision of trade services to the rural population are put into practice, in particular

the improved definition of the categories “trading services for the rural population” and “efficiency of the provision of trading services to the population” reflecting the particularities of trading services and consumer demand in rural areas in socio-economic efficiency of commercial activities are included in the text book “Tourism and Hotel Management” for students of 5610300-Tourism (International and domestic tourism) (certificate No.603-026 of August 24, 2017). The implementation of this proposal is of practical importance for the teaching of economic disciplines;

the developed process of consumer behavior, including regional, consumer and business aspects, as well as proposals for the development of a retail distribution network in rural areas have been introduced by the Samarkand regional administration of the Chamber of Commerce and Industry of the Republic of Uzbekistan (Reference number ShD-01/810 dated May 14, 2018) the implementation of scientific and methodological recommendations allowed improving the retail system in the rural areas of the Republic;

the developed proposals for improving the organizational forms of trade services for the rural populations as well as prospects for the development of the provision of trade services for 2019-2021, were introduced by the Samarkand regional administration of the Chamber of Commerce and Industry of the Republic of Uzbekistan (Reference number ShD-01/810 dated May 14, 2018). The use of proposals allows you to create forecast plans for the development of trade services for the rural populations;

proposals for creating a modern structure of retail based on e-commerce, taking into account the interests of consumers and aimed at improving the efficiency of providing trading services based on advanced foreign experience, were introduced by the Samarkand regional administration of the Chamber of Commerce and Industry of the Republic of Uzbekistan (Reference number ShD-01/810 dated May 14, 2018). The use of proposals service to develop and improve the efficiency of organizational forms of retail in Republic.

**Structure and size of dissertation.** The dissertation structure is consisted of introduction, three main chapters, conclusion and list of references. The volume of the dissertation is 145 pages.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ  
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ  
LIST OF PUBLISHED WORKS**

**I часть (I бўлим, I part)**

1. Усмонова Д.И. Развитие методов обслуживания в сельской местности.// Журнал «Иқтисодиёт ва таълим».- Ташкент, 2009. - №5. - С 30-32. (08.00.00; №1)
2. Усмонова Д.И. Пути развития торгового обслуживания населения в сельской местности.// Журнал «Рынок, деньги, кредит». – Ташкент, 2012. - № 3. - С.34-36. (08.00.00; №2)
3. Usmonova D.I. The appraisal of social efficiency of rural populations trade services. SAARJ Journal on Banking and Insurance Research (SJBIR). Vol.5, Issue 1, Jan. 2016. – P. 30-38. (08.00.00; №4)
4. Усмонова Д.И. Совершенствование оценки эффективности торгового обслуживания населения. European journal of economics and management science. Vienna, Austria. № 3, 2016.- p.45-48. (08.00.00; №5)
5. Усмонова Д.И. Совершенствование содержания торговых услуг в современных условиях. Журнал «Иқтисодиёт ва таълим». - Ташкент, 2016. - № 2. – С.7-11. (08.00.00; №6)
6. Усмонова Д.И. Савдо хизматларини баҳолашда истеъмолчилар кутишларидан фойдаланиш. Журнал «Иқтисодиёт ва таълим». - Ташкент, 2016. - № 3.- С.20-24. (08.00.00; №7)
7. Усмонова Д.И. Совершенствование управления развитием сферы услуг в сельской местности. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2016 йил. [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz). (08.00.00; №8)
8. Усмонова Д.И. Влияние потребительского поведения сельского населения на оценку эффективности торговых услуг. Журнал “Biznes-эксперт”. -Ташкент, 2016. - № 12.- С.84-88. (08.00.00; №9)

**II часть (II бўлим, II part)**

1. Усмонова Д.И. Пути повышения социально-экономической эффективности торгового обслуживания сельского населения. Монография. - Т.: Издательство «Навруз» ГУП, 2014. – 160 с.
2. Усмонова Д.И. Повышение эффективности оказания торговых услуг сельскому населению. Монография. - LAP LAMBERT Academic Publishing RU. – OmniScriptum Publishing Group. Saarbrucken, 2017 – 184 с. [www.lap-publishing.com](http://www.lap-publishing.com).
3. Усмонова Д.И. Совершенствование розничной торговой сети в сельской местности. // Журнал «Иқтисодиёт ва таълим».-Ташкент, 2012. - №6. -С 36-39.
4. Усмонова Д.И. Основные формы торгового обслуживания населения в сельской местности. «Часопис экономичных реформ». Научно-практический журнал. Северодонецк, 2015 й., №1, С. 120-124.

5. Усмонова Д.И. Особенности развития торгового обслуживания населения в Республике Узбекистан. // Журнал «Сервис». - Самарканд, 2015. - №3 - С.40-46.
6. Усмонова Д.И., Файзиева И.И. Совершенствование маркетинговых исследований на потребительском рынке.// Российская экономическая академия им. Т.В.Плеханова «Образование и социально-экономическое развитие в начале третьего тысячелетия». Тезисы докладов. – М., 2006. - 124-126 стр.
7. Усмонова Д.И., Мусаева Ш.А. Совершенствование организации информационных услуг в сфере торговли.// Республиканская научная конференция «Пути эффективного использования экономического потенциала предприятий по производству товаров народного потребления, сервиса и туризма» - Самарканд, 2006. - С.118-120.
8. Усмонова Д.И. Мусаева Ш.А. Пути совершенствования организации исследований в розничной торговле //Иқтисодий ва эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида иқтисодий ва ривожлантириш ва сервисни такомиллаштиришнинг назарий ва методологик муаммолари. Сборник докладов, ч. 2. - Самарканд, 2007.- С.73-74.
9. Усмонова Д.И. Аҳолини савдо хизматлари билан таъминлаш ва уни такомиллаштириш. //“Фан, таълим ва бизнес интеграцияси” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани.- Самарканд, 2008.- С.309-311.
10. Усмонова Д.И. Современные тенденции развития торгового обслуживания населения// Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари.Респ. науч. конф.- Самарканд, 2009. - С. 242-244.
11. Усмонова Д.И. Пути совершенствования планирования торгового обслуживания сельского населения.// Респ. науч. конф. “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари”.- Самарканд, 2010. – С. 393-395.
12. Усмонова Д.И. Пути совершенствования розничной торговли в сельской местности.// Доклады международной научной конференции «Трансформация экономических отношений в условиях преодоления последствий глобального финансово-экономического кризиса». – М., 2010.- С 372-375.
13. Усмонова Д.И. Оценка эффективности торгового обслуживания сельского населения. // Хизматлар бозори: муаммо, ечимлар ва истиқболлар мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд. 2012 йил, 29 июн-1июл.
14. Усмонова Д.И. Роль местных органов самоуправления в повышении эффективности торгового обслуживания населения в сельской местности.// «Обод турмушни таъминлашда иқтисодий ва инновацион фаолиятини такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси. Самарқанд. 20 февраль, 2013 йил. 2 қисм. 207-210 бетлар.



15. Усмонова Д.И. Особенности развития торгового обслуживания населения в Узбекистане. // «Иқтисодий ва модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси. Самарқанд 2014й. 21-22 феврал. 147-152 б.

16. Усмонова Д.И. Модель потребительского поведения сельского населения, как показатель оценки торгового обслуживания. // «Туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг методологик, услубий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман. Самарқанд, 2014й. 21-23 апрель, 551-554 б.

17. Усмонова Д.И. Особенности развития торгового обслуживания населения в Республике Узбекистан. // «Проблемы управления в условиях современного развития экономики и пути их решения» мавзусидаги халқаро илмий-амалий интернет конференция. Харьков. 2014 й. 25 апрель, 94-98 б.

18. Усмонова Д.И. Оценка социальной эффективности торгового обслуживания сельского населения. // «Актуальные вопросы экономических наук» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция. Новосибирск, 2015 йил 27 февраль. 59-64 б.

19. Усмонова Д.И. Основные формы торгового обслуживания населения в сельской местности. // Материалы международной научно-практической конференции “Государственное и муниципальное управление: теория, история, практика”. – Ижевск, 22 апреля 2015 г. – с.372-377.

20. Усмонова Д.И. Совершенствование услуг розничной торговли в современных условиях. // “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси: анъаналар ва инновациялар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани материаллари, Самарқанд, 12-13 ноябрь 2015 йил. – 378-381 б.

21. Усмонова Д.И. Совершенствование форм повышения квалификации работников сферы услуг в сельской местности. // “Инновацион жараенларни ривожлантиришда олималарнинг ўрни” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари, Самарқанд, 2017 й. – 208-210 б.

22. Усмонова Д.И., Мусаева Ш.А. Пути развития товародвижения на дехканских рынках. // Материалы международной конференции «Развитие теории и практики хозяйствования экономических субъектов и публичных образований». - Ижевск, 2018 г. - с. 67-70

Автореферат отредактирован в издательстве «Зарафшон» (10.11.2018).

Гувоҳнома №10-3512

Босишга рухсат этилди 23.05.2018.

Шартли босма табағи 3,0. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/16</sub>.  
“Times” гарнитураси. Адади 100 нусха. Буюртма №87.

---

СамДЧИ нашр-матбаа маркази босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: 140104, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93.



